# ВАТАНИМИЗ ТАРИХИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

**Р.Т.ШАМСУТДИНОВ**

*В статье поднимается проблема преемственности в изучении истории отечества, указывается на необходимость соблюдения научной этики в исследовательской деятельности. Приводятся факты плагиата, незнания ранее опубликованных по той или иной теме материалов, случаи сознательного или невольного игнорирования ранее опубликованных работ, имеющие место в трудах по истории Узбекистана советского периода.*

*The article discusses the succession in the process of studying History of Uzbekistan. The author tries to call the authors in this field to follow the ethics of scientific researches and provides some facts of plagiarism and unawareness of the already published materials on the question under discussion or ignorance of these materials. Such materials have taken place in the works dealing with the History of Uzbekistan of the Soviet period.*

Махсус илмий кенгаш ва муаллифлар гуруҳи томонидан 2000 йили “Ўзбекистоннинг янги тарихи” I-III китобларининг[4,5,6] тайёрлаб нашр этилиши ўзбек тарихшунослигида муҳим воқеа бўлди. Бу китоблар кенг илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди. Бироқ улар айрим жузъий камчиликлардан ҳоли эмаски, қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Биринчи китобда мавзу тарихшунослиги, адабиётлар рўйхати, иловалар берилгани ҳолда, иккинчи ва учинчи китобларда бу масалаларга ўрин ажратилмаган. Бунинг сабаби II китобда шундай изоҳланган: “Илмий-оммабоп ишлар концептуал тузилиши, олдига қўйган вазифаси, услубий жиҳатлар хилма-хиллигига йўл қўйилганлигини, ягона сиёсий мафкура қолипида ёзилганлигини эътиборга олиб, совет даври тарихий адабиётларининг ҳар бирига алоҳида баҳо беришни лозим кўрмадик. Шунингдек, 73 йиллик совет тузуми даврида социализмни улуғлаб ёзилган тарихий адабиётларнинг сон-саноғи йўқлигини инобатга олиб, мавзуга оид адабиётлар рўйхатини беришни ҳам мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобладик” [5.6].

Бизнингча совет давридаги тарихшунослик билан мустақиллик даври тарихшунослигининг ҳар бирини ихчам қилиб, умумлаштириб, таққослаб, совет даври тарихини янгича руҳда ёзишдаги ўзгариш ва ютуқларни умумлаштириш зарур эди. Барибир, китоб матнида совет ва мустақиллик давридаги адабиётлардан фойдаланилгани унинг илмий аппаратида кўриниб турибди. Совет даврида ҳам холислик билан ёзилган асарлар бўлганини эътиборга олиш лозимдир. Шу боис бўлса керак, муаллифлар улардан фойдаланишга мажбур бўлишган.

Табиийки, Ватан тарихининг ҳар бир даврига оид манбавий материаллар тадқиқотчини, китобхонни қизиқтиради.

Китобнинг “Истиқлол учун курашган миллий тараққийпарварлар ҳақида маълумотлар” сарлавҳаси остида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжа Асадулла Хўжаев, Мунаввар Қорилар ҳаёти ва фаолияти берилган. Аммо улар ҳақида мустақиллик йилларида яратилган асарлар келтирилмаган. Бу сиймолар ҳақида батафсилроқ маълумот олишни истаган китобхон улар тўғрисидаги асарларга қизиқиши табиий бир ҳолдир.

“Истиқлол учун курашган миллий зиёлилар ҳақида маълумот” сарлавҳаси остида биргина Мустафо Чўқаев ҳақида маълумот берилгани ҳолда, у ҳақда мустақиллик йилларида ёзилган асарлар келтирилмаган.

“Миллий раҳбар кадрлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот” рукнида Файзулла Хўжаев, Қайғусиз Отабоев, А.Раҳимбоев, Б.Салимов, Н.Тўрақулов, А.Муҳитдинов, У.Пўлатхўжаев, А.Икромов, И.Хидиралиев, О.Дўстназаров, Н.А.Муҳитдинов, Ш.Рашидовлар ҳаёти ва фаолиятидан кичик лавҳалар келтирилган. Ўша лавҳалар қайси адабиётлар асосига қурилганини китобхон билиши керак. Ёки “Истиқлол учун курашганлар” сарлавҳаси остида Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Салим Пошо, Жунаидхон, Иброҳимбек, Анвар Пошо, Мулла Абдул Қаҳҳорлар ҳақида маълумотлар келтирилган-у, улар ҳақидаги адабиётлар келтирилмаган.

“Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида” китобининг “Сўзбошиси” муаллифлари Р.Нуруллин ва М.Жўраевлар совет даври тарихий адабиётларининг ягона сиёсий мафкура қолипида ёзилганини таъкидлаб, уларга алоҳида баҳо беришни лозим кўрмаганлар. “Социализмни улуғлаб ёзилган” адабиётлар рўйхатини бермаганлари ҳолда, китоб матнининг бошидан охиригача айни совет замонида яратилган адабиётлардан кўпдан-кўп “иқтибослар келтирганлар. Истиқлол йилларда

Ўзбекистоннинг совет даври тарихига оид кўплаб илмий асар ва мақолалар, монографик тадқиқотлар, оммабоп китоблар чиққанки, улардан ҳам муаллифлар фойдаланганларку? Китобнинг 23-бетида “1917 йил мартининг охирига бориб, ўлка ҳудудида ишчи ва солдат депутатларининг 75 совети бор эди” деган фактнинг манбаси кўрсатилмаган. Унинг манбаси Р.Шамсутдинов, Ш.Каримовларнинг “Ватан тарихи” (Андижон, 1998) китобидадир. Унда шундай ёзилган: “Туркистонда Советлар тузиш ҳаракати оммавий тус олди. Февраль инқилобининг дастлабки кунлариданоқ ишчи ва солдат депутатлари Советлари Самарқанд, Янги Бухоро (Когон), Андижон, Наманган, Қўқон, Скобелев ва бошқа шаҳарларда вужудга келди. Фақат март ойининг ўзида Туркистон ўлкасида 75 ишчи ва солдат депутатлари Советлари фаолият кўрсата бошлади. Бу Умумроссия кўрсаткичининг 13,5 фоизига тенг (Россияда жами 600 та Совет ташкил этилган) эди”[7].

“Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида” китобининг биринчи бобида оммавий қатағонликларнинг авж олдирилиши масаласида “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик”, “18 лар гуруҳи”, “Мажбурий жамоалаштириш фожеалари”, “Ҳужум”га зарурият бормиди?” каби масалаларга қисман эътибор берилган. Аммо Ўзбекистонда 1937-1938 йилларда советлар томонидан амалга оширилган сиёсий қатағон (“қулоқлар операцияси”, “Катта террор”) ва унинг фожеали оқибатларига умуман тўхталиб ўтилмаган. Ахир, Президент И.Каримов таъкидлаганидек, фақат 1937-1939 йиллари Ўзбекистонда 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалган, шундан 37 мингдан кўпроғи судланган, 6 минг 920 киши отиб ташланган эди-ку? Тарихимиздаги ана шу фожеа четлаб ўтилган. Бу ҳақда китобнинг учинчи боби, яъни 1946-1985 йиллардаги воқеалар жараёнида “Сиёсий қатағонларнинг янги палласи” параграфида қисман, юзаки тўхталиб ўтилган. Аслида, 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон масаласи китобнинг иккинчи қисм биринчи боби (Ўзбекистон 1925-1941 йилларда)да берилиши керак эди. Чунки 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон билан урушдан кейинги қатағон ўртасида принципиал фарқлар бор, 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон “бешинчи колонна”га қарши кураш ниқобида олиб борилган, 1946-1950 йиллар бошларидаги Ўзбекистондаги қатағон эса миллий зиёлиларга қарши қаратилган. Шу боис сиёсий қатағоннинг бу босқичларини аралаштириб юбормаслик зарур эди.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан Нарзулла Жўраев, Ҳамдам Содиқов, Шоди Каримовларнинг 3 жилдлик “Ўзбекистон тарихи” китоби лотин имлосида нашр этилди. Китоб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ёзилган. Шу китобнинг I ва II жилдлари тўғрисида айрим мулоҳазаларимизни айтишни лозим билдик.

Биринчи китоб “Ўзбекистон тарихи. Туркистон чоризм мустамлакачилиги даврида” (550 бет) бундан 12 йил аввал, 2000 йили “Шарқ” нашриётида нашр этилган Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмоновларнинг “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида” (453 бет) номли китоби билан деярли бир хил. Бунга ҳар икки китобни бетма-бет солиштириб кўрган китобхон шоҳид бўлади. Шунда китобхон 2000 йилдаги китобнинг асосий муаллифлари Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмоновлар 2011 йилдаги нашрдан тушириб қолдирилганига ҳайрон бўлади. Ҳатто 2000 йилги нашрга академик Б.Аҳмедов ёзган “Ўзбекистоннинг янги тарихи” ҳақида икки оғиз сўз” матни сўзмасўз, ҳарфма-ҳарф 2011 йилдаги нашрда келтирган-у, аммо Б.Аҳмедов номи тушириб қолдирилган.

Китобнинг “Муаллифлардан” деб номланган кириш қисми ҳам тўла 2000 йилги нашрдан сўзма-сўз кўчирилган. Тўғри, тарихшунослик қисмининг мустақиллик даврида яратилган асарлар таҳлилида 2000 йилдан кейин юзага келган айрим асарлардан иқтибослар келтирилган. Аммо китобнинг асосий 4 та бобида ҳам сўнгги йилларда яратилган илмий асарлардан фойдаланилмаган. “Туркистоннинг парчаланиб кетиши ва учта хонликлардаги ижтимоий-сиёсий вазият” деб номланган биринчи бобнинг учта параграфи ҳам “Ўзбекистоннинг янги тарихи” биринчи китобида ёритилган масалалар билан деярли бир хил, маълумотлар ҳам юқоридаги китобдан айнан олинган. Ушбу бобда сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихининг кўрилаётган даврига оид янги адабиётлардан фойдаланилмаган. Натижада айрим фактик маълумотлар ва рақамлар нотўғри келтирилган [2].

Биринчи бобнинг “Буюк Пётрнинг махфий режаси”, “XIX асрдаги ўзбек хонликларида давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаёт”, “Россия ва Англиянинг Марказий Осиё учун олиб борган ўзаро кураши” деб номланган параграфларидаги маълумотлар ҳам 2000 йилги китоб материаллари билан бир хил.

“Ўзбекистоннинг янги тарихи” биринчи китоби 2000 йили кирилл алифбосида нашр этилган бўлиб, бу китобда ушбу масалалар мукаммал тарзда

ечиб берилган, равон, ўқишли тилда ёзилган. Лекин янги нашр лотин имлосида бўлиб, унда имло хатолари кўп учрайди.

Қўлланманинг “Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан истило этилиши” бобида келтирилган 7 та параграф ҳам тўлиқ шу китобдан кўчириб олинган. Ҳатто кўрилаётган масалаларнинг номланиши, келтирилган бутун маълумотлар ҳам нуқта, вергулига қадар бир хил.

“Туркистонда чор империяси сиёсатининг асосий йўналишлари” деб номланган учинчи бобда 7 та масала қўйилган бўлиб, ундаги асосий маълумотлар ҳам 2000 йилги нашр билан айнан бир хилдир. Китобнинг тўртинчи боби ҳам сўзма-сўз такрорланган.

Хуллас, мазкур китобда “Ўзбекистоннинг янги тарихи” биринчи китобини лотин имлосида қайта нашр этишдан бошқа янгилик учрамайди. Фақат муаллифлар таркиби ўзгариб қолган, холос. Ўзбекистон тарихининг биринчи ва иккинчи китобларига мутлақо дахли бўлмаган Нарзулла Жўраевнинг бу китобларга муаллиф бўлиб қолиши таажжублидир. Аслида, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори, профессор А.А.Азизхўжаевнинг 1997 йил мартдаги хати билан мен Андижон давлат университетидан, Поён Равшанов Қарши давлат университетидан чақириб олиниб, “Ўзбекистоннинг янги тарихи” биринчи китобини ёзиш, тайёрлаш, нашрдан чиқариш учун академик Б.Аҳмедов раислигидаги Илмий Кенгаш аъзоси ва муаллифи сифатида бир йилдан зиёд маош олиб ишлаганмиз. Шунда Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази директори Ҳамдам Содиқов эди. Китоб нашр этилгунга қадар бизлар қўлёзманинг маълум қисмини республиканинг қатор журнал ва газеталарида мақолалар сифатида эълон қилганмиз, телевидениеда бир неча бор чиқишлар қилганмиз. Бизларнинг китоб муаллифлари эканимиз 2000 йил нашридаги китобнинг 2- ҳамда 24-бетларида расмий равишда қайд қилинган. Китоб юзасидан матбуотда эълон қилинган тақризларда ҳам бизларнинг муаллиф эканимиз қайд этилган.

Бугина эмас. Сиёсатшунослик фанлари доктори Нарзулла Жўраев “Ўзбекистоннинг совет даври тарихи” китобига[19] биринчи муаллиф бўлиб қолганидан ҳам биз ниҳоятда ажабландик. Чунки мен Шоди Каримов билан ҳаммуаллифликда 1998 йил Андижонда университет талабалари учун қўлланма чоп эттирган эдим. Китоб ўқув жараёни эҳтиёжидан келиб чиқиб, Бобур номидаги Андижон давлат университети ва “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси номидан 2004 йили Рустамбек Шамсутдинов, Шоди Каримов муаллифлигида қайта ишланган, тўлдирилган, қисқартирилган, бойитилган, тузатилган тарзда Андижонда нашр этилган [8].

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 27 октябрдаги 373-сонли буйруғига асосан Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов, Ў.Убайдуллаевларнинг “Ватан тарихи (1-2-3 китоблар)” ўқув қўлланмасини нашр этиш тўғрисида гувоҳнома берилди. Мазкур уч жилдлик “Ватан тарихи” 2010 йили нашр этилди. “Ватан тарихи”нинг иккинчи жилди юқорида таъкидланган биринчи ва иккинчи нашрлар асосида қайтадан ишланиб, тўлдирилиб, янгидан-янги материаллар киритилиб ўқувчиларга тақдим қилинди. Таажжубки, Н.Жўраев 2000 йилда қазо қилган муаллифдошим, дўстим Ш.Каримовнинг исми-шарифини қўйиб, 1998 йилдаги “Ватан тарихи”ни деярли айнан жумлама-жумла, сўзма-сўз кўчириб, унинг илмий аппаратини бузиб, китобнинг “Мавзунинг ўрганилиши”, “Ўзбекистоннинг Шўролар даври сиёсати ва давлат арбоблари” параграфларини, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” ва “Хотима”ни тушириб қолдириб, бир ярим саҳифалик янги “Хотима” киритиб қайта нашр қилишга эришган. Энг ачинарлиси, 2004 йилда нашр этилган “Ўзбекистон тарихидан материаллар”, 2010 йилда нашр этилган “Ватан тарихи” китобларидан эмас, 1998 йилда чиққан биринчи нашрдан кўчириб, мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб қайта нашр этишга жазм қилингани. Китобнинг 2004, 2010 йиллардаги нашрида кўплаб янгиликлар, ўзгаришлар акс эттирилган эди. Бундан бехабар бўлганми ёки бу ҳар икки нашрни эътиборга олмаганми, Нарзулла Жўраевнинг марҳум Шоди Каримов номинигина қўйиб, “Ўзбекистон тарихи”нинг иккинчи китобини нашрдан чиқаргани камдан-кам учрайдиган воқеа бўлса керак. С.А.Ҳошимов, М.Ғ.Абдуллаевлар ҳар икки китобни ўзаро сатрма-сатр таққослаб чиқиб, куйидаги хулосага келишган: “Ватан тарихи”нинг биринчи бобидаги тарихшунослик қисми (1-параграф) тушириб қолдирилган, биринчи боб ва унинг айрим параграфлари номланишига бироз ўзгартиришлар қилинган, лекин бобда келтирилган асосий маълумотлар бошдан оёқ сўзма-сўз такрорланган, бундай бир хиллик китобнинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи бобларида ҳам мавжуд. Фақат 5-бобга “Ўзбекистонга депортация қилинган халқларнинг тақдирлари” деган параграф қўшимча қилинган, қолган барча параграфлар номланиши, тартиби ва улардаги маълумотлар сўзма-сўз такрорланган.

Китобнинг олтинчи бобига қисман қўшимча ва ўзгартиришлар қилинган, лекин асосий маълумотлар “Ватан тарихи” 6-боби билан бир хил. 7-бобгина китобга янгилик сифатида киритилган, айнан шу бобгина уни “Ватан тарихи”дан фарқлаб туради, холос.

Китобда фойдаланилган манбалар (маълумотларга ҳавола қилинган архив манбалари ва илмий адабиётлар) “Ватан тарихи”да қайси варақда қандай келтирилган бўлса, шундайлигича такрорланган. Бироқ ажабланарли томони – “Ватан тарихи”да ҳавола қилинган Р.Шамсутдинов қаламига мансуб китоблар ёки мақолалар атайин тушириб қолдирилган. Шунингдек, ҳавола қилинган айрим илмий адабиётлар номи ёки нашр йиллари, бетлари нотўғри келтирилган.

Китобнинг 1998 йилда нашр қилинган “Ватан тарихи” билан айнан бир эканини унда фойдаланилган адабиётлар ҳам исботлайди. Чунки унда 1998 йилдан кейин нашр қилинган бирорта ҳам адабиётдан фойдаланилмаган. Холбуки, 1998 йилдан бугунги кунларгача Ўзбекистоннинг Советлар ҳукмронлиги даври тарихига доир кўплаб илмий адабиётлар ва мақолалар нашр қилиндики, улардан “Ватан тарихи”нинг кейинги нашрларини тўлдиришда ва қайта ишлашда Р.Шамсутдинов кенг фойдаланган” [2].

Нарзулла Жўраев ва Турсунбой Файзуллаевларнинг “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи” китоби 2000 йил “Шарқ” нашриётида чоп этилган. Айни шу китоб Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев муаллифлигида 2009 йил Тошкентда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан лотин имлосида нашр қилинган. 2011 йили “Шарқ” нашриётида чиққан бу китобдан ҳаммуаллиф Турсунбой Файзуллаев номи тушириб қолдирилган. Бу ҳолат ҳам камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлса керак.

Хуллас, бизнингча, Н.Жўраев, Ш.Каримов, Х.Содиқовлар томонидан эълон қилинган уч жилдан иборат лотин имлосидаги “Ўзбекистон тарихи” китобининг “Шарқ” нашриётида босилиб чиқишини ўзбек тарихшунослигидаги ижобий ҳолат эмас, аксинча, ўта ачинарли, салбий ҳолат деб баҳоламоқ лозим. Афтидан, бунинг сабабларидан бири китобнинг масъул муҳаррири, тарих фанлари доктори, профессор Н.Абдуазизова, таҳрир ҳайъати аъзолари – А.Сагдуллаев, Н.Комилов, Н.Абдуазизова, Анвар Яхшиев, Фатхулла Эргашевлар, тақризчилар – А.Абдурасулов, Н.Абдураҳимова, М.Қирғизбоев, М.Бекмуродов, Ш.Воҳидов, А.Иброҳимовларнинг ҳамда “Шарқ” нашриёти мутасаддиларининг масалага юзаки қараганлари бўлса керак.

Миллий тарихсиз миллий ғоя ва миллий мафкурани ўзи бўлмайди. Шундай экан, миллий тарихимиз қандай кечган бўлса шундайлигича яратмасдан туриб миллий ғояни ҳам, миллий мафкурани ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Айни вақтда тарихни билиш ўзликни англаш ҳамдир. Миллатни миллат, халқни халқ қилиб танитадиган ҳам миллий тарихдир. Шу боис мустақиллик йилларида тарихимизнинг чинакам, холисона саҳифаларини битиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Катта-катта китоблар, монографик тадқиқотлар, илмий оммабоп рисолалар, ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари юзага келмоқда, журнал ва газеталарда, интернетда янгидан-янги мақолалар эълон қилинмоқда, телеведение, радио тўлқинларида қизиқарли кўрсатув ва эшиттиришлар қилинмоқда, илмий кенгашларда диссертациялар ҳимоя қилинмоқда. Уларда Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихи, унинг турли даврлари ва босқичлари хусусида янгича талқин этилган саҳифалар битилмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилиги даври тарихи ҳам янгича руҳда яратилмоқда. Бу борада тарих фанида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бундай ижобий жараёнда баъзи бир жузъий нуқсон ва хатоларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатга имкон борича барҳам бериш ҳар бир тарихчининг, тадқиқотчининг касбий ва фуқаролик бурчидир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз сўнгги вақтда эълон қилинган рисола ва мақолаларнинг айримларига ўз муносабатимизни билдиришни лозим билдик.

Яқинда тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабовнинг “Шермуҳаммадбек” номли рисоласи (Тошкент: “ABU MATBUOT - KONSALT”, 2011.- 55 б.) эълон қилинди. Унда Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, машҳур қўмондон Шермуҳаммадбек фаолиятидан янги манбалар асосида айрим лавҳалар келтирилган. Бу инсоннинг юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб борган кураши ҳақида ҳорижда ва Ватанда эълон қилинган асарлардан қизиқарли маълумотлар берилган. Бу каби ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, рисолада, бизнингча, айрим камчиликлар, хатоларга йўл қўйилган. Масалан, рисоланинг 28-бетида ҳақиқатга мутлақо зид мана бу фикр келтирилган: “1922 йил 10 июнда Фарғона вилоятига РСФСР ҳарбий ишлар халқ комиссари Л.Троцкий келди. У истиқлолчилик ҳаракатига қарши бошланган қизил армия қисмларининг жанг ҳаракатларини бошқаришни ўз қўлига олди. Қизил террорнинг асосчиларидан бири бўлган Троцкий уларга қарши шафқатсиз жазо чоралари қўллашни буюрди”. Бу фикрнинг манбаси қилиб Ўзбекистон

Республикаси Марказий давлат архиви, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 342-344-варақлар кўрсатилган. Айни шу фикр Қаҳрамон Ражабов томонидан 2000 йили нашр этилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида” китобининг 206-бетида ҳам келтирилган эди. Аслида мазкур ҳар икки фикрни мутлақо рад этувчи манба мавжуддир. Ҳужжат келтирамиз: Л.Д.Троцкий 1923 йил 14 октябрда Туркистон АССР МИҚ раиси И.Хидиралиевга йўллаган хатида шундай ёзган:

“Эссизки, менга Ўрта Осиё, Туркистон, Хоразм ва Бухорода бўлиш ҳеч бир насиб бўлмади. Шунинг учун мен Ўрта Осиё павильонининг кўргазмага қўйилган нарсаларни ўн қатла диққат билан тамоша қилдим.

Қўйилган нарсалар кўрсатадики, агар бу ўлка мактаб, сув, муҳобара ва нафлиёт меҳнатининг тўғри тузилиши билан таъмин этилса, ҳеч бир ҳисобига етиб бўлмайдурғон бойликлар берадур.

Ерли халқнинг маданий савиясини кўтариш уларнинг турмушини яхши кўтармоққа олиб борадур. Аммо моддий тинчликнинг ўсиши (кўпчилик)нинг маданий ҳаётларини, юксалиш шароитларини пайдо қиладилар.

У ерли аҳолиларнинг ишлари, ҳам гиламлар ишлаб чиқарувчи майда саноатчиликнинг ҳусусий моҳирлиғига гувоҳлик берадурлар. Бу ёғлари равшан - ўткир ҳам ҳар хил, аммо улар кўзни қамаштирадурлар ва аксинча асл мусаввирлик шодликни берадурлар.

Мен қатъий ишонаманки, аҳолининг барча миллий қисмларини тўғри интизомли меҳнатлари орқасида техника ҳам маорифнинг тараққийси тез вақтдами ёки кечроқми Туркистонни, Хоразм ҳам Бухоро билан қурраи заминнинг энг ҳуснлик ва бахтлик бурчакларидан бирига айлантирадур” [11.55].

Демак, Л.Д.Троцкийнинг нафақат Фарғонага, хатто Туркистонга, Бухорога, Хоразмга келмагани аниқ ҳақиқатдир.

Рисоланинг 8-бетида шундай ёзилган: “Ўзбекистон Республикасида мустақилликдан кейин олиб борилган тадқиқотлар натижасида ушбу сатрлар муаллифи (яъни Қаҳрамон Ражабов – Р.Ш.) томонидан Туркистон минтақасида қизил армияга қарши кураш олиб борган мингдан ортиқ қўрбошиларнинг номлари илк бор тикланди ва уларнинг ҳарбий фаолияти ўрганилди”. Аммо бу даъво ҳақиқатга тўғри келмайди. Негаки, 2008 йили “Шарқ” нашриётида чоп этилган Мансурхўжа Хўжаевнинг “Шермуҳаммадбек қўрбоши” номли 303 бетли китобига Қ.Ражабов бефарқ қараган, бошқа муаллифларнинг асарларига кўплаб ҳавола қилингани ҳолда, негадир “Шермуҳаммадбек қўрбоши” китобидан бирорта ҳам иқтибос келтирилмаган. Ваҳоланки, М.Хўжаев китобидаги “Фарғонада миллий озодлик ҳаракатида иштирок этган қўрбошилар” жадвалда 11 нафар миллий озодлик ҳаракатини бошқарган йирик қўрбошилар ва 416 нафар қўрбошиларнинг исми, туғилган юрти, туғилган йили кўрсатилган (270-282-бетлар). Қолаверса, Қ.Ражабов рисоласида келтирилган воқеалар тафсилотларидан бир қанчаси Мансурхўжа Хўжаев китобида ҳам келтирилган эди.

2010 йил “O’qituvchi” нашриётида чоп этилган “Тарихнинг номаълум саҳифалари” (Илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. Иккинчи китоб) тўпламидан Қ.Ражабовнинг “Босмачилик ҳаракатига оид икки ҳужжат” номли эллик саҳифали мақоласи ўрин олган. Мақоланинг бошланишида муаллиф XX асрнинг 20-йилларида Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРда раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган И.Хидиралиевнинг ҳаёти ва сиёсий фаолияти бугунги кунда кўпчиликка маълум эмас (195-бет) деб ёзганидан шахсан мен таажжубландим. Чунки мен Иномжон Хидиралиевнинг ҳаёти ва фаолиятини 46 йилдан бери Москва, Тошкент, Англия ҳамда Республикамиз вилоятларидаги архивлар фондларидан, турли матбуот нашрларидан олинган материаллар, уни билган, таниган, бирга хизмат қилганлар эсдаликлари асосида ёзилиб республика ва чет элларда эълон қилинган 30 га яқин мақолалар, 1991 йили нашр этилган “Жасоратга тўла ҳаёт соҳиби (Ўрта Осиёнинг таниқли сиёсий, жамоат арбоби Иномжон Хидиралиевнинг ҳаёт йўли ҳақида)” номли 100 саҳифалик рисола ва 2001 йили Тошкентда “Шарқ” нашриётида босилган “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” 4-китобидан ўрин олган 31 саҳифали илмий мақола муаллифиман. Ўша даврларда бу арбоб ҳақида бор ҳақиқатни рўёбга чиқариш мақсадида газета ва журналлар таҳририятларига тақдим этган мақолаларим турли сабаблар рўкач қилиниб қайтарилганини эсладим. У пайтда И.Хидиралиев ҳақида тарихчилар сукут сақларди, айримлар уни қоралаш билан овора эдилар. 1957 йилда Андижон давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари илмий ишлари тўпламида И.Хидиралиев буржуа миллатчиси, халқ душмани, аксилинқилобчи қилиб тасвирланди. 1975 йилда чоп этилган монографиясида таниқли журналистика тарихи мутахассиси, профессор Т.Эрназаров ҳам И.Хидиралиевга асоссиз буржуа миллатчиси, халқ душмани ёрлиғини ёпиштирди. У ҳақда илмий конференцияда маъруза

қилмоқчи бўлганимда, маҳаллий тарихчилардан бири менга таъна қилиб, ахир халқ душмани тўғрисида гапириш мумкин эмас, деб дакки берганди. Андижон вилояти “Коммунист” газетасига мақола берганимда, газетанинг партия турмуши бўлими мудираси Маҳфиратхон Тожихалилова И.Хидиралиевнинг оқлангани ҳақида суддан справка олиб келишимни талаб қилганди.

60-70-йилларда сиёсий арбоблар ҳақидаги мақолалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти розилик берсагина газета ва журналларда босиларди. Акс ҳолда мақола босилмасди.

Эсимда, Москвада аспирантурадалигимда “Гулистон” журналига И.Хидиралиев ҳақида “Толмас курашчи” номли мақола юборган эдим. Ўшанда журнал бош муҳаррири таниқли адиб Иброҳим Раҳим, масъул котиби ёзувчи Рустам Раҳмон эди. Таҳририят мақолани босишга тайёрлаган, лекин партия тарихи Институти розилик бермаган. Бундан хабар топиб, мен Москвадан Тошкентга келиб, институт директори, тарих фанлари доктори, профессор М.Ғ.Ваҳобов ҳузурида бўлдим. Раҳматли домла ўшанда И.Хидиралиев ҳақида мақола бериб бўлмайди, чунки у ўзини ўзи отган, деб айтди. Жавобан, мен “ахир С.Орджоникидзе, С.Есенин, А.Фадеев ва бошқалар ҳам ўз жонларига суиқасд қилганлар-ку?” дедим. М.Ғ.Ваҳобов улар бошқа одамлар, И.Хидиралиев бошқа, уни уларга тенглаштириб бўлмайди, деб жавоб қилди. Шунда “Правда” газетасининг 1929 йил 3 январда чоп қилинган “Памяти тов. Хидыр - Алиева” (сурати туширилган) номли мақола-таъзияномани кўрсатдим. Домла бундай таъзия Ўзбекистонда берилмади, деб айтди. Ниҳоят, мен 1931 йил 1 ноябридан И.Хидиралиевнинг оиласига шахсий нафақа, ЎзГУда ўқиётган ўғли Акромга номдор стипендия ва оилани бира тўла пул билан таъминлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорини кўрсатдим. Барибир домла кўнмади. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб маҳобатли кабинетдан чиқиб кетдим. Домла вазифасидан кетгандан сўнг, Иброҳим Раҳим, Рустам Раҳмонлар журъат этишиб, И.Хидиралиев ҳақидаги мақоламни сурати билан “Гулистон”нинг икки бетида катта қилиб беришган, сал ўтиб И.Хидиралиевнинг Москвада эълон қилинган мақоласини ўзбек тилида босишди. Бу инсоннинг номини абадийлаштириш тўғрисидаги масала 60-йиллардаёқ республиканинг биринчи раҳбари раҳматли Шароф Рашидовгача етказилган эди. Раҳбарнинг кўрсатмаси билан Марказий Комитетнинг матбуот бўлими ходими раҳматли Болтабой Юсупов Андижонга келиб, мен билан учрашди, бисотимдаги материаллар билан танишди. И.Хидиралиевнинг қизи яшаётган Қўрғонтепага бирга бордик, хонадонида Иномжон аканинг аҳли аёли, қизи Маҳфиратхон билан учрашдик. Б.Юсупов билан ҳаммуалликда “Совет Ўзбекистони” газетасида Хидиралиевнинг сурати билан катта мақоламиз эълон қилинди. 1969 йил 15 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси И.Хидиралиевнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. 1991 йили 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси марказий телевидениесида И.Хидиралиев туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб 40 дақиқалик видеофильм намойиш этилди.

Ҳамкасбимиз Қаҳрамон Ражабов ўзининг “Босмачилик ҳаракатига оид икки ҳужжат” номли мақоласида И.Хидиралиевнинг рус тилида чоп этилган “Исторический обзор Ферганского басмачества. (Из личных наблюдений)”, “Басмачество и народное хозайство Ферганы” мақолаларини шарҳлаб, янгилик сифатида эълон қилди. Аслида, И.Хидиралиевнинг бу мақолалари шарҳи 1987 йили Москвада эълон қилинган “Становление и развитие Советов в Средней Азии (1917-1925 гг.): общее и особенное. – М., 1987. 20 п.л. Деп. в ИНИОН АН СССР” номли монографиямизда ва шу мавзудаги докторлик диссертациямизда берилган. 1991 йилдаги И.Хидиралиев ҳақидаги китобимизда ҳам ана шу ҳужжатлар талқин этилган ва айрим парчалар келтирилган. Китобнинг 42-бетида, жумладан, шундай сатрлар бор: “Ҳозирги кунда босмачилик тарихига, умуман босмачилик масаласига муносабатимиз тубдан ўзгармоқда, бу муаммони янгича таҳлил қилиш, баҳолаш сари катта қадамлар ташланмоқда. Бу масалада ҳам И.Хидиралиевнинг позициясини, меросини ўрганиш лозимдир. Ахир, у бу масала тарихини ёритишга илк бор уринган маҳаллий миллат вакилларидан эди.

1924 йилда И.Хидиралиев шахсий варақа тўлғизар экан, ҳозирда “Фарғона босмачилик ҳаракатининг тарихий обзори”ни китоб қилиш учун материал сифатида ёзишни бошладим” деб ёзганди. “Босмачилик: 1.“Босмачилик тарихи”; 2.“Ўртоқ Хидиралиевнинг шахсий кузатувлари” номли қисқагина қўлёзмани топган эдик. И.Хидиралиев шу тезис билан Туркистон АССР Советларининг XI съездида (2-6 декабрь 1922 йил) муҳокама этилган босмачиликни батамом тугатиш масаласида маъруза қилганди. Ўша тезисларда қисқача босмачиликка баҳо берилган эди. Муҳими шундаки, бутун Фарғона водийсида босмачилик ҳаракати авж олган пайтда бу жойда раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган, ўша Қ.Отабоев раис бўлган Фарғонада босмачилик-

ни тугатиш бўйича фавқулодда комиссия аъзоси бўлиб, ўтган воқеаларнинг жонли гувоҳи, миллий ходим И.Хидиралиевнинг фикрлари ўзига хос диққатга эгадир. Шу тезис асосида И.Хидиралиев “Босмачилик ва Фарғона халқ хўжалиги” номли катта мақолани Москвадаги “Военная мысль и революция” журналида (1923 йил, 4-сон, 43-49 бетлар) эълон қилганди” [11.42].

Китобнинг 42-44-саҳифаларида “Босмачилик ва Фарғона халқ хўжалиги” мақоласининг асосий мазмуни қисқача таҳлил этилган ва ундан парчалар келтирилган. Ушбудан маълумки, И.Хидиралиевнинг босмачилик ҳаракатига оид икки ҳужжати ҳақида Қ.Ражабовдан 21 йил аввалроқ китобхон, тадқиқотчи тушунчага эга бўлган. Бу ҳар икки ҳужжат тўла матнининг тегишли изоҳ ва шарҳлар билан эълон қилинишида Қ.Ражабовнинг хизмати катта эканлиги эътирофга лойиқ. Бироқ бу ҳужжатлар унгача ҳам илмий истеъмолга киритилганини қайд қилиш лозим эди.

Қаҳрамон Ражабов менга телефон қилиб, ҳаммуаллифликда Иномжон Хидиралиев ҳақида Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясига мақола берилишига розилик сўраган эди. Мен унга И.Хидиралиев ҳақида мавжуд манбалар номини айтиб, 1979 йилда нашрдан чиққан “Ўзбек Совет Энциклопедияси”нинг 12-жилди 309-310-саҳифасида И.Хидиралиев ҳақидаги кичик мақоламдан, “Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби”, “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” китобларимдан фойдаланишни маслаҳат бердим. 2005 йил нашрдан чиққан “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” 9-жилди 421-саҳифасида Хидиралиев Иномжон тўғрисида мақола берилди. Мақоланинг манбаси қилиб “Ўзбекистонинг янги тарихи”. 2-китоб (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида).- Т., 2000; Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т.,2001; Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924) Т., 2002. китоблари кўрсатилган. Яъни асосий манбалар қолдирилиб, мавзуга ҳеч алоқаси бўлмаган “Туркистон тарихи” манба қилиб кўрсатилган. Ваҳоланки, бу асарда икки ҳолатда бошқа арбоб ва шахслар қаторида Хидиралиев номи келтирилган, холос. “Ўзбекистоннинг янги тарихи” 2-китобининг 329-бетида И.Хидиралиев ҳақида маълумот келтирилган-у, лекин манбаси кўрсатилмаган, қолмишига ҳақиқатга мутлақо зид тарзда “И.Хидиралиев 1928 йил 31 декабрда Москвадаги “Националь” меҳмонхонасида ўз жонига суиқасд қилди” деб ёзилган. Бизнингча, И.Хидиралиев ҳақидаги мақолага асосий манба қилиб “Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби”, “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” китоблари киритилиши зарур эди. Шунда у ўзини ўзи отмагани маълум бўларди. Халқимиз И.Хидиралиев каби миллий арбоблар ҳақидаги бор ҳақиқатни билишга чанқоқдир.

ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, йирик мутахассис, тарих фанлари номзоди Валерий Германовнинг “Общественный и политический деятель Туркестана: судьба исторического наследия Вадима Чайкина” номли илмий мақоласи эълон қилинди [18.42-75]. Унгача, 9 йил аввал бизнинг “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар”[12.43-73], “Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари”[13.44-46] китобларимизда В.А.Чайкиннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг машаққатли, лекин ибратли ҳаёт йўли кенг ёритилган эди. Ҳар икки китобда В.А.Чайкиннинг қамоқхонадаги ҳолати тасвирланган икки сурати ҳам берилган. 2003 йили 11 мартда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасида ўтказилган “История: проблемы объективности и нравственности” мавзусидаги халқаро илмий анжуманда “Русские революционеры и джадиды; их совместная борьба” мавзусида рус тилида маъруза қилганман. Мақоламиз элчихона рус тилида нашр эттирган “История: проблемы объективнисти и нравственности” китобидан ўрин олган. Унда ҳам В.А.Чайкиннинг Андижондаги жадидлар билан биргаликда олиб борган фаолияти ёритилган [1]. Бироқ Ю.Германовнинг 2010 йилдаги мақоласидан ўзига қадар В.А.Чайкиннинг ҳаёти ҳақида ёзилган учта катта илмий мақоладан бехабарлиги маълум бўлади. Ҳар учала мақолани ўқиган, мушоҳада қилган китобхон қайси бир муаллиф мазкур масалани биринчи бўлиб қаламга олганини осонгина фаҳмлайди. Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида зикр этилган китобларимиз нафақат республика, ҳатто Россия Федерацияси илмий нашрларида тақриз қилинган [20].

Сирожиддин Аҳмедовнинг “Лев Троцкий ва Иномжон Хидиралиевга оид икки ҳужжат”[21] мақоласи ҳам янгилик сифатида, айрим ноаниқлик ва хатолар билан эълон қилинди. Ваҳоланки, бу икки ҳужжат советлар давридаёқ таҳлил қилиниб, биз томонимиздан илмий истеъмолга киритилган [10.203-213; 11.58-60].

Бу каби ҳолларни марказда ва жойларда эълон қилинган тарихимизга оид яна бир қатор асарларда ҳам кўриш мумкин. Биз фақат Назрулла Жўраев, Қаҳрамон Ражабов, Валерий Германов, Сирожиддин Аҳмедовларнинг асарлари ҳақида тўхталдик, холос. Мен бу олимларни жуда яхши биламан, улар билан кўп мулоқатда бўлганман, фанга қўшган салмоқли ҳиссаларидан бохабарман, тарихимизнинг кемтик томонларини очиб бераётганликларини нафақат мен, бутун

республика илм аҳли яхши билади. Ўйлайманки, фикрдош, маслакдош бу дўстлар билан тарихимизнинг ёзилмаган саҳифаларини битишда ҳамкорлигимиз давом этаверади. Шу билан бирга, касбдошларнинг фан олдидаги хизматларини эътироф этганим ҳолда, улар йўл қўйган айрим жузъий камчилик, нуқсонлар ҳақида ўз фикримни билдиришни лозим кўрдим. Негаки, буни фуқаролик ва тарихчи-тадқиқотчилик бурчим деб билдим. Зеро, ҳар бир тарихнавис мутахассис халқ, давлат, фан, тарих олдида масъулдир. Ҳозирги кун тарихимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни сохталаштирмасдан, сийқалаштирмасдан ёзиш ва шу тарих билан бутун халқни, хусусан, ёшларни тарбиялаш, келажак авлодга чин тарихни қолдириш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини чуқур англаб ва шунга асосланиб республикамиздаги тарихнавис олимларнинг биргаликда, ҳамкорликда иш кўришларини талаб этмоқда. Шу боис фанда илмий ҳалоллик, холислик, илмий одоб-аҳлоқ қоидаларига амал килиш, ўтмишдошларга нисбатан одилона ёндашиш, уларнинг фанга қўшган ҳиссаларини эътироф этиш, нуқсон ва камчиликларни эса беғараз кўрсатиш талаб килинади. Бусиз тарихчиларнинг янги авлодини етиштириш мумкин эмас. Сўзимни устозим, Россия Фанлар Академияси академиги Юрий Александрович Поляковнинг мана бу фикрлари билан якунлайман: “Фаннинг ҳар қандай соҳасидаги ҳар қандай муаллиф ўз ўтмишдошлари асарларини билишлари ва ўз-ўзидан маълумки, ўтмишдошларининг таржимаи ҳолини ҳам билиши керак. Билганда ҳам соф илмий нуқтаи назардан билиш лозим. Негаки, ҳар бир ёзаётган киши ўтмишдоши қилган ишга суянади, баҳо беради, танқид қилади, унинг қилган ишини ривожлантиради. Бусиз эса нарига ўтиб бўлмайди. Бу ҳар бир фан учун исботсиз қабул қилинаверадиган ибтидоий қоидадир. Айниқса, бу тарих учун янада муҳимдир”[22.315].

**Адабиётлар:**

1. “Андижанская правда”.- 2003.- 1 апреля.
2. Хошимов С., Абдуллаев М. Уч жилдлик “Ўзбекистон тарихи” ҳақида мулоҳазалар./ “Андижон ёшлари”. 2012. № 2 (226)-сон.
3. Ражабов Қ. Истиқлол шаҳидлари ҳақида икки китоб. / Жаҳон адабиёти.- 2003.- № 3-4
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида.- Т.: Шарқ, 2000
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- Т.: Шарқ, 2000
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи.- Т.: Шарқ, 2000
7. Шамсутдинов Р.Т. К вопросу об особенностях становления и развития Советов в Средней Азии и Казахстане (1917-1925 гг). // История СССР.- 1985.- №5.
8. Шамсутдинов Р.Каримов Ш. Ватан тарихи (Иккинчи китоб).- Андижон, 1998
9. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб.- Андижон, 2004
10. Шамсутдинов Р.Т. Советы и ревкомы Туркестана в защите завоеваний революции (1918-1923гг). Защита завоеваний социалистических революции.- М.: Наука, 1986.
11. Шамсутдинов Р. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби.- Андижон, 1991
12. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар.- Т.: Шарқ, 2001.
13. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари.- Т.: Шарқ, 2001.
14. Книга памяти жерт политических репрессий в СССР.- Санк-Петербург, 2004.
15. Shamsutdinov R. Karimov Sh. Vatan tarixi. Birinchi kitob. To’ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri.- T.: Sharq, 2010
16. Shamsutdinov R. Karimov Sh. Ubaydullayev O’. Vatan tarixi. Ikkinchi kitob. To’ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri.- T.: Sharq, 2010
17. Shamsutdinov R. Karimov Sh. Vatan tarixi. Uchinchi kitob. To’ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri.- T.: Sharq, 2010
18. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Иккинчи китоб.- Т.: O’zbekiston, 2010.
19. Jo’rayev N., Karimov Sh. O’zbekiston tarixi. O’zbekiston Sovet mustamlakachiligi davrida. Ikkinchi kitob.- T.: Sharq, 2011
20. Ражабов Қ. Истиқлол шаҳидлари ҳақида икки китоб. // Жаҳон адабиёти.- 2003.- № 3-4; Книга памяти жертв политических репрессий в СССР.- Санк-Петербург. 2004 ва бошқалар.
21. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Учинчи китоб.- Т.: O’zbekiston, 2012.
22. Поляков Ю.А. Историческая наука: люди и проблемы. Книга 3.- М.: РОССПЭН, 2009

*Андижон давлат университети,*
*2012 йил 20 октябрда қабул қилинган*